



Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустақкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир. Барчамизга ана шу улуг сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муносабат

МЕҲР ВА САДОҚАТ ДАСТУРИ



Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари

2020 йил 29 декабрь

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тинглади. Бу кун Янги Ўзбекистон тарихининг энг муҳим саналаридан бири бўлиб қолди — ҳар бир оилани соғлом, фаровон қилишга қаратилган ўнлаб янги, ҳаётбахш ташаббусларни ўзида жамлаган Мурожаатнома эълон қилинди.

2020 йил агарда биз мардона бирлашсак, тўғри тadbир қилсак, ечилмайдиган муаммо йўқлигини яна бир бор кўрсатди. Президентимиз бу ғалабалар қандай ташкил қилинганини батафсил, самимий сўзлаб берди. Хуллас, халқимиз



янги 2021 йилни давлатимиз раҳбари Мурожаатномасидан олган гурур, ишонч ва шукроналар билан кутиб олди.

Ўзбекистон ўз халқини коронавирусдан ҳимоя қилишда дунё давлатлари орасида юқори баҳо олди. Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб, бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимида ўтказилди. Зудлик билан 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Дори-дармон, энг

замонавий диагностика ускуналари билан таъминланди. 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар коронавирусга қарши жангга кирди.

Хориждаги 600 мингдан ортқ ватандош юртимизга олиб келинди. Ватан ўз фарзандларини гурбатда ғариб қилиб қўймади, бағрига босди.

▶ Давоми 2-бетда

8 январь — Прокуратура органлари ходимлари кун

ЖАМИЯТДА ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҚКАМЛАШ,
МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЙ
ЭТТИРИШ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗДИР

Ҳаёт ШАМСУТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
жамоатчилик билан
алоқалар ва ҳуқуқий ахборот
бўлими бошлиғи, адлия
катта маслаҳатчиси

Ўзбекистон тарихан қисқа даврда улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди ва мустақил давлат сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи мамлакатимизни бутунлай янгича қиёфада жаҳонга танитди. Ҳатто бутун дунёда оғир ва мураккаб кечган 2020 йилда ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳаларга эътибор янада кучайтирилиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муҳтож оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

▶ Давоми 4-бетда

Ёшлар — Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси

Акселераторлар орзулар
рўёбига етаклайди

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш
вазир, академик

Турли воқеа-ҳодисаларга бой 2020 йил якунига етиб, янги — 2021 йил бошланишига санокли кунлар қолганида давлатимиз раҳбари “Хумо” спорт аренасидаги мамлакатимизнинг илғор ёшлари билан учрашувида жуда катта салоҳият, куч-қудрат эгалари бўлган йигит-қизларга қарата: “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман”, деди.

▶ Давоми 5-бетда

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

“САОДАТ”ДА ВАТАНЛИ
БЎЛИШ САОДАТИ

Баҳорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Инсонда истаклар кўп, орзу-умидлар бисёр. Бир орзу амалга ошгач, бошқасининг рўёби учун ҳаракат бошланади, бир умид ушалса, ортидан янгиси бўй кўрсатади. Шундай орзу борки, унинг амалга ошиши қалбга ҳаловат ва хотиржамлик туйғусини жо этади. Бой берилган йиллар-у ўйларнинг чандиги лаҳзалар ичида битади, қўрилган қийинчиликлар ўрнини фароғатли дамлар эгаллайди.

Бу — ватанда “кичик ватанли” — уйли бўлиш бахти. Ахир рўзгор бутлиги, оила тинчлиги ва фарзандлар қамоли учун шахсий турар жойнинг борлиги кўнгли хотиржамлигини таъминлайди-да.

Бугун мамлакатимизда янгиланишлар даври ҳукмрон. Неча йиллардан буён уйсиз сарсон жонлар, бу эшикдан унисига, унисидан бошқасига кўчиб, кўним топмаган, ижара уй эгасининг қовоқ-тумшуги билан мурося қилиб яшашга мажбур оилалар ўз турар жойига эга бўлмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

“Le Figaro”: Ўзбекистон 2020 йилда
инқирознинг олдини олишга муваффақ бўлган
дунёдаги кам сонли давлатлардан бири

ФРАНЦИЯНИНГ МАШХУР “LE FIGARO” ГАЗЕТАСИДА “2020 ЙИЛДА ИНҚИРОЗНИ ЧЕТЛАБ ЎТГАН МАМЛАКАТЛАР” САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. МАТЕРИАЛДА ЎЗБЕКИСТОН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ТУФАЙЛИ 2020 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗНИ ЕНГИБ ЎТГАН ДУНЁДАГИ КАМ СОНЛИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.

▶ Давоми 2-бетда

2021 ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ
САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҚКАМЛАШ ЙИЛИ

» Ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажакини таъминлайдиган ёш авлодининг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутаети. Шу сабабли биз ислохотларимиз куламини ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму-шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

» Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантикий фикрлайдиган, эзгу фазилятлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

» Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.



» Биз ўз олдимиизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.

» Ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тadbиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилятларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Муносабат

МЕҲР ВА САДОҚАТ ДАСТУРИ

Бошланиши 1-бетда

Ўтган кунлар

Булари бугун эслаш — фахрли, мароқли. Лекин ўша — бутун дунё саросимага тушган, муаммо билан юзма-юз турган, нима қилишни билмай қолган баҳор-ёз, қузни эслайлик. Ваҳима, “Энди нима бўлади?”, деган қўқувли, талвасали кунлар. Ушанда энг тўғри қарорлар, тadbирлар қабул қилиш керак эди. Шундай бўлди. Мана, йил охирида коронавирус беморларини даволаш учун қурилган касалхоналаримиз бўшаб қолди. Бунинг шукронасини қуриб, индамасак, гуноҳ бўлади. Библи туриб айтмасак, ношукрлик бўлади.

2020 йилда коронавирусга қўшилиб, Бухоро, Сардобада табиий ва техноген офатлар рўй берди. Улар ҳам даф этилди. Биргина “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини эслайлик. Хотирамизда телеэкранларда Сардобага кетаётган юзлаб юк автомобиллари, қўлидаги нарсасининг ярмини сардобалик тенгдошига илгинган болакай, қизалоқлар турибди. Талабаларни текин элтиб қўяётган таксичилар. Ватандошим-ку, деб сотадиган қиммат молини арзонга сотган инсофли тadbиркорларимиз, қўллари дуога кўтарилган ота-оналар келади. Мана шу эмасми, халқнинг бирлашуви.

Президентимиз шу боис, карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонқур шифокорларга, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тadbиркор ва фуқароларимизга чўқур миннатдорлик билдирди. Шу сатрларни ёза туриб, бир ўй келди: менимча, 2020 йил синовлари, офатлар, улар устидан қозongan ғалабамиз ҳақида “2020 йил”, деган бир хотира китоб ёзилса, айни мудоао бўларди. Бу китоб 50, 100, 500 йилдан кейин ҳам бизнинг бу бало-қазоларга қарши курашда қандай бирлашганимиз, ғалабамиз ҳақида авлодларга сўзлаб беради.



Тўрт қаторда беш завод

2020 йилда кўп давлатлар коронавирусга қарши курашиб, иқтисодий ўсишдан тўхтаб турди. Бизнинг эса бир қўлимиз қурашди, бир қўлимиз ривожланиш учун ишлади. Буни Халқаро валюта жамғармаси таъкидлаб, баралла айтди. Дунёнинг санокли давлатлари 2020 йилда ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Ўзбекистон ана шу санокли давлатлар ичида эканлиги бизга ғурур беради. Мурожаатномада 2020 йилда республикамызда 197 та ириқ, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилгани, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборақ, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилгани айtilди.

Этибор беринг. Мурожаатноманинг мана шу тўрт қатор матнида бешта улкан завод, корхонанинг номлари тилга олинган. Уларнинг биттасини қуриш осонми? Тошкент металлургия заводи каби қудратли корхона илгари неча йилда қурилган? Биз, собиқ Иттифок даврини кўрган авлод буни яхши биламиз. Шундай корхона мабодо қурилса ҳам, буни Совет Шарқининг афсонавий ютуғи, дейилар эди.

Йиллаб, кеча-кундуз тарғиб қилинарди. Бугун-чи? Бугун мана шундай гигант корхона бир йиллик(!) ишларимизнинг кичкина бир парчаси бўлиб қолди. Бу нимани кўрсатади? Бу минглаб юрдошимиз ишлайдиган гигант корхоналарни қуриш биз учун оддий ишга айланиб қолганини, Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги қудрати кўламни, бирлигимизни кўрсатмайдими?

Яқинда Тошкентда 2 та янги метро станцияси қурилади, ер усти метроси бўлади, дейилганда, бу бизга афсонадек, “йўғ-э!”, деб юборган эдик. Бугун метро вагонлари ойнасидан ташқарига қараб, ернинг гоҳ остига тушиб, гоҳ устига чиқиб, шуларни ўйлаяпмиз. “Бўлар экан-ку”, деб шукрона қилиб кетяпмиз...



“Янги Ўзбекистон” учун махсус

“Le Figaro”: Ўзбекистон 2020 йилда инқирознинг олдини олишга муваффақ бўлган дунёдаги кам сонли давлатлардан бири

Бошланиши 1-бетда

Мақолада Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда ялпи ички маҳсулот 4 фоизга камайгани қайд этилган. Ўтган йили бутун дунё дуч келган иқтисодий инқироз Иккинчи жаҳон урушидан кейинги мисли қўрилмаган даражада бўлди. Европадан Америкагача, Африкадан Осиёгача бўлган қитъалардаги мамлакатлар ушбу “тарихий зарба”дан қутулиб қолмади. “Le Figaro” нашрининг ёзишича, санокли давлатларгина “сайёра цунами”га дош бериб, оғир келган 2020 йилда иқтисодий ўсишга эришган.

Нашр муҳбири Армель Бохинёст Ўзбекистон 2020 йилда ижобий иқтисодий фаоллик

намоиш этганини таъкидлаган.

“Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўрилган тезкор чора-тadbирлар натижасида мамлакатда иқтисодий инқирознинг олди олинди. Хусусан, ижтимоий эҳтиёжлар ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ харажатлар кўпайтирилди, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, кичик ва ўрта корхоналарга COVID-19 билан курашиш учун катта ёрдам кўрсатилди.

Бой табиий ресурсларга (табиий газ, металл, ўғит, пахта ва ҳ.к.) ва юқори сайёхлик салоҳиятига эга бўлган ушбу давлат раҳбар сўнгги йилларда мамлакатни 2016 йилгача ҳукмронлик қилган “қаттиқ бошқарув” моделидан чиқариш учун кенг қўлам-

ли иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда”, дейилди мақолада.

“Le Figaro” газетасига кўра, Жаҳон банки 2020 йилда турғунлиқнинг олдини олишга муваффақ бўлган 22 мамлакат, жумладан Хитой, Туркия, Вьетнам ва бошқа мамлакатларни санаб ўтган.

Францияда 1826 йилда ташкил этилган машҳур “Le Figaro” газетаси рақамли маълумотлар тарқатишда етакчи ўринда турди. Газетанинг англиклар сайти ҳам энг кўп ўқувчига эга. Унга ойига қарийб 23,5 миллион киши таширф буюради. Айни пайтда газета 329 минг нусхада чоп этилмоқда.

“Дунё” АА.
Париж

Камбағаллик билан олишув



Камбағаллик азалдан бутун дунёда бўлганидек, бизда ҳам бор эди. Бироқ унинг номи айтилмас, юмшоқ қилиб, хаспўшлаб келинар эди. Президентимиз Ўзбекистонда камбағаллик борлигини мардона, очик айтди. Барчамизни камбағалликни камайтиришга қаратилган курашга чорлади. Шу маънода, 2020 йил хотирамизда Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш бошланган йил бўлиб қолади.

Кураш илм, аниқлик асосига қурилди. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада камбағал оилалар, аёллар, ёшлар, шахслар билан манзилли ишлаш бўйича “Темир дафтар”лар тўтилди. Қисқа вақт ичида бу янги тизим 527 минг ватандошимизни камбағаллик чангалидан озод қилди. Уларга иш — ризқ-рўз берди. Улар

2020 йилни камбағал бўлиб қутиб олган эди, мамнун, рози бўлиб қузади.

Камбағаллик “Темир дафтар”лар бўшаб, рўйхатга киритишга одам топиламай қолган, ҳамма ўз ишига, даромадига эга бўлган кучи тугайди. Чунки камбағалликнинг асосий сабаби — одамнинг қўлидан бирор иш келмаслигида, ундаги инсон капиталининг ноқорлигида. Инсон капитали, бу — одамга ўзининг турли эҳтиёжларини қондириши учун зарур бўлган билим, қўнмика, малакалар йиғиндиси. Агар одамнинг билим, қўнмика ва малакалари иш бевуҷига керак бўлса ёки ўзини-ўзи банд қилишга етарли бўлса, у ишсиз қолмайди. Камбағал бўлмайди. Инсоннинг билим, қўнмика ва малакаси йўқлиги уни меҳнат бозорига касод қилади.

Таҳлиллар нисбани кўрсатмоқда?

Ижтимоий-педагогик таҳлиллар Ўзбекистонда камбағаллик борган сари камайишини кўрсатмоқда. Чунки инсон капиталини, аввало, оила, болалар боғчаси, мактаб бойитади. Бунинг асослари Мурожаатномада бор. Яъни кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомидда 2 баробар ортиб, 60 фоизга етган, боғчалар сони 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошган. Бу боғчалардан — мактабларга, мактаблардан — олий ўқув юртлири ёки корхоналарга кириб келадиган ўғил-қизларимизнинг инсон капитали ҳозиргига қараганда бир неча қарра зиёд бўлади, дегани эмасми?! Шунинг учун Учинчи Ренессанс мактаб оstonасидан бошланади, деган ҳикмат айтилди. 2020 йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди. Ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртлирига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилингани келажакда оилаларнинг инсон капиталини оширишга хизмат қилади. Олий ўқув юртлирига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайиб, 2 мингга етади. Аъло баҳоларга ўқийтган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Бу нимага олиб келади? Аста-секин “Темир дафтар”лар бўшаб қолади. Чунки ёшларимиз “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” асосида компетентли ва фазилатли бўлиб етишади. Улар мактаб оstonасидан мустақил, яъни ўз ҳаётини бировдан ёрдам сўрамай, ўз ақли ва фазилатларига таяниб қуришни ўрганиб чиқади.



тараққий этган мамлакатлар яққол кўрсатди. Уларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиғи “билимлар иқтисодиёти” ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётди. Бу буюк Имом Бухорийнинг биз — авлодларига айтган “Илмсиз нажот йўқ ва бўлмағай”, деган ўғитини яққол исботламоқда.



Йил номидаги ҳикмат

“2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”нинг номида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг қоди, паролли бор. Мурожаатнома ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя ҳамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтириши айтилди. Бу сармоя дадил киритилмоқда. Бунинг натижасида ёшларимиз замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва манتيқий фикрлайдиган, эзгу фазилатли инсонлар бўлиб вояга етади.

Уларнинг инсон капитали бой бўлади. Яъни уларга меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарлар ўргатилади. Tadbиркорлик қўнмикалари ва меҳнатсеварлик, ташаббускорлик фазилатлари шакллантирилиб, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишга ўргатадиган ва ёрдам берадиган узлуқсиз тизим яратилади.

“Авлодлар можароси”

Ғарбда “авлодлар можароси”, деган ижтимоий муаммо, маънавий касаллик бор. Бу — авлодларнинг ўзаро бегоналашуви, ёшларнинг кексаларга ҳурматсизлиги ва кексаларнинг ёшларни ёмон қўриши, улардан норозилигида намоён бўлади.

Президентимиз Мурожаатномасида ана шу муаммонинг олдини олиш, аксинча, аждодлар ва авлодларни бир-бирига устоз-шогирд қилиб қўювчи бунёдкор йўл кўрсатиб берилди: “Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узқонни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шжжот, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз”.

Бу ташаббус буюк миллий тажрибамизни тўплаш, сақлаш, бойитиш ва қадрига етишга чорлаш билан ҳам қадрлидир. Катта авлоднинг ҳар бир вакили ўзидан олдингилардан билган, эшитган, қўллаган иш тажрибаларини устоз бўлиб, ёшларга беради. Ёшлар шогирд бўлиб, бу билим ва тажрибани модернизациялаб, замонавий илм-фан ютуқлари билан юксалтиради. Бу инсон капиталини бойитади. Бу капитал ёшларнинг ғайрат ва жўшқин фазилатларидан куч олиб, бизни Учинчи Ренессансга олиб чиқади.

Мотивация

Мурожаатномада аҳолининг камбағалликка тушиб қолган қисmini камбағалликдан чиқаришнинг оддий ва самарали, амалий механизми тақлиф этилди. Унга кўра, “Темир дафтарга киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, қўнмика ва молиявий кўмак” тамо-йили асосида янги механизм жорий этилади.

Механизмнинг энг муҳим янглиғи нимада? У камбағал кишига уч қарра ёрдам беради. Биринчиси ва энг муҳими, бу — мотивация. Ният, истак, қарор, ирода, билим беради. Иккинчиси — қўнмика, яъни касб, иш ўргатиш, хўнарсиз қўлларни хунарли қўлларга айлантириш. Учинчиси — сармоя, молиявий ёрдам. Мурожаатномада одамни камбағалликдан чиқарувчи энг муҳим омил бу — унинг интилиши, ўз кучига таяниб, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши кераклиги ўқтирилди.

Мурожаатноманинг якуний тушунчаси

Президентимиз Мурожаатномаси халқимизга куч бераётган бебаҳо маънавий, зовий манба — ишонч мавзуси билан яқунланди. Дарҳақиқат, 2020 йил бизнинг ўз куч ва имкониятларимизга ишончимиз қийин синовларни енгиб ўттишда бирлаштирди. Янада кучли ва мустаҳкам қилди. Бунда ҳар биримиз иштирок этдик ва қўрдик. Бу буюк ишонч 2021 йилда янада қучайиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб боради.

Шундай экан, ҳар биримиз Президентимиз Мурожаатномасидаги эзгу ниятни чин қалбдан айта-миз: “Барчамизга ана шу улуғ сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!”.

Ces pays qui ont échappé à la récession de 2020

Le PIB planétaire s'est contracté de 4% selon les dernières estimations de la Banque mondiale. La pandémie laisse de rares resco



Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо етамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Янги қонун — болалар ҳуқуқларини муҳофаза­лашга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси­га Мурожаатномасида “Болалар омбу­дс­ма­ни тўғ­ри­си­да”­ги қонунни қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Мазкур Қонунни нега қабул қилиш зарурати туғилди? Бу боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда жуда ҳам муҳим сиёсий қарордир. Президент боланинг асосий ҳуқуқлари билан боғлиқ бир қатор масалаларни айтиб ўтди. Булар ривожланиш, умрбод таълим, ижтимоий ҳимоя, болаларни ҳимоя қилиш ва болаларнинг жамиятда тўлиқ иштирок этиш масалаларидир. Албатта, ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг самарадорлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан ижтимоий таъминот тизимини ислоҳ қилиш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, ижтимоий ишларни тақомиллаштириш ва ижтимоий ишчиларни тайёрлашга боғлиқ.

Саттор РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакили (омбудсман)
котибяти Бола ҳуқуқларини
таъминлаш сектори мудири

Маълумки, юртимизда сўнгги йилларда болаларни зўравонлик­нинг барча шаклларидан, менсима­слик, шайқатсизлик, қўполлик, инсоний кадр-қimmatни камситуви муомала, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан ҳимоя қилиш, миллий меъёрий-ҳуқуқий ба­зани тақомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш каби муҳим ислохотлар бошланди. Мажбурий болалар меҳнатидан фойдаланиш тугади. Ота-она қаро­висиз қолган болаларни, шунингдек, ногирон болаларни интернетларга жойлаштиришни камайтириш ва олдини олиш мақсадида болаларни деинституционализация қилиш ма­сала­лари­га алоҳида эътибор қара­тилмоқда.

Маҳаллий ва миллий даражада­ги сиёсатни ишлаб чиқишда бола­лар ва ёшларни ўз манфаатларига таъсир қиладиган қарорларни қабул қилишда уларнинг фикрини инобат­га олган ҳолда жалб қилиш амали­ёти ва механизмларини кучайтириш зарур. Бу болалар ва ёшларнинг жамиятдаги иштироки учун ҳуқуқий базани кенгайтиради. Бу, ўз нав­батади, тинглаш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этиш имкониятини беради.

Мамлакатимиз Президентининг Мурожаатномасида келтирилган масалалар Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини амалга ошириш соҳа­сида олиб борилаётган ислохот­ларни тўлдирди, уни янада тақо­миллаштириш мақсадида миллий қонунчиликда боланинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида халқаро стан­дартлар қоидаларини амалга оши­риш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади ва бошланган ислохотларни боланинг манфаатлари йўлида са­марали амалга оширади.

Бола ҳуқуқларини таъминлашга оид Ўзбекистон Республикасининг сиёсатини амалга ошириш БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвен­цияси ва инсон ҳуқуқлари ва эркин­ликлари тўғрисидаги бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига

асосланади. Улар орасида Консти­туция ўстувор ўрин тутди.

Болалар омбу­дс­ма­ни институ­тининг ташкил этилиши жамият учун болалар муаммоларига эътибор­нинг ортиши ва уларнинг ўз ҳуқуқ­ла­ри­га эга бўлган шахс сифатида ижтимоий аҳамиятини тасдиқлайди ва айнан шу муносабат билан улар­нинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш жа­раёни бошланади. Мамлакатимиз­да болалар ва ёшлар томонидан тақдим этиладиган бола ҳуқуқлари­ни таъминлаш бўйича миллий мо­ниторинг тизими яратилган.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида болалар бўйича Омбудсман институти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан Европада (Австрия, Бельгия, Германия, Да­ния, Испания, Франция, Люксем­бург, Россия, Норвегия, Финляндия, Швеция) ва Лотин Америкасида (Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Перу), шунингдек, Канада, Исроил ва Янги Зеландияда. Болалар учун омбудсман институти ва унинг яра­тилиши мамлакатимизнинг БМТ­нинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қи­лишнинг ажралмас қисмидир.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари кўмита­си ва бошқа инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасидаги шартно­мавий органлари томонидан олиб борилган болалар ҳуқуқларининг халқаро мониторинги Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш­нинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмаслиги би­

лан боғлиқ қатор муаммолар борли­гини кўрсатади.

Хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқла­ри бўйича кўмитаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон­нинг учинчи-тўртинчи миллий маъ­рузаларини кўриб чиқиш натижа­лари бўйича яқиний кузатувларида барча тadbирларни мувофиқлашти­риш учун ягона давлат органини яратиш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатда Конвенцияни амал­га ошириш билан боғлиқ, болалар ҳуқуқлари амалга оширилишини мо­ниторинг қилиш ва баҳолаш тизими­ни тақомиллаштириш, шу мақсадда Бола ҳуқуқлари бўйича комиссар институтини ташкил этиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт­нинг барча турларини ўз ичига олган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвен­цияни тўлиқ амалга оширишга қар­атилган қонунчиликни янада тақо­миллаштириш зарурлигини тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси Пре­зидентининг 2019 йил 22 апрелда­ги “Бола ҳуқуқлари қафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”­ги қарорига асосан Ўзбекистон Рес­пуб­ликаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудс­ман) ўринбосари — Бола ҳуқуқ­ла­ри бўйича вакил лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майда­ги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш­ни тақомиллаштириш бўйича қў­шимча чора-тадбирлар тўғрисида”­ги фармони билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вази­фа­лари ва фаолият йўналишлари аниқланди.

Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудс­ман ўз ваколатларини давлат орган­лари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Хорижий тажрибалар шуни кў­рсатадики, Бола ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган маънабдорлар фаолияти боланинг манфаатлари йўлида давлат бошқарувини тақомиллашти­риш, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қоидаларини қонун ҳужжатларига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш, боланинг шахсига ҳурматни кучайтириш, жа­моатчилик оғн даражасини ошириш, давлат тузилмаларни томонидан, ота-оналар ва уларни ўрнини бо­сувчи шахслар томонидан боланинг шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ҳамда энг устун манфаатларини ҳимоя қилиш­га хизмат қилади.

“Болалар омбу­дс­ма­ни тўғ­ри­си­да”­ги Ўзбекистон Республикаси Қо­нунининг мақсади Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтини ташкил этиш ва унинг фаолияти бўй­ича жамоатчилик билан алоқалар­ни тартибга солиш, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасида бо­лалар ва ёшлар ҳуқуқлари тўғриси­даги бошқа халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини амалга оширишга қў­мақлашишдан иборат.

Муносабат

БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ



Ҳилола УМАРОВА,
Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган
мактабларни ривожлантириш
агентлиги директори

Мамлакатимизда Президент мактаб­лари ҳамда ихтисослаштирилган мак­таблар ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу йилги Мурожаатномада таъ­кидлаганидек, келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-био­логия, математика, ахборот технология­лари­га ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Мазкур таълим муассасалари фар­зандларимизга улар қизиққан фанлар бўйича чуқур билим бериш учун ташкил қилинмоқда. Юртимизнинг ҳар бир ҳуду­дида очилаётган Президент мактаблари илғор хориж тажрибасини мамлакатимизга олиб келиш ва уларни апробация­дан ўтказиш ҳамда таълим тизимида жо­рий қилиш учун ташкил этилмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технология­лари йўналишига оид фанларни чуқур­лаштириб ўқитишга ихтисослаштирил­

Ёшлар — бизнинг келажагимиз.

Мамлакатимиз ривожланишини таъминлаш учун ҳозирдан уларнинг таълим олиши ҳамда гоёларини амалга ошириши учун шароит яратиб беришимиз керак.

ган мактаб, Мирзо Улуғбек номидаги астрономия, физика, математика ва ин­форматика фанларига ихтисослашти­рилган давлат умумтаълим мактаб-ин­тернати ва Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисос­лаштирилган мактаб-интернати алоҳида фанлар бўйича ўзларининг методоло­гиясига эга. Мазкур ўқув муассасалари янги ишга туширилаётган ихтисослашти­рилган мактаблар билан ўз методология­си ва тажрибасини ўртоқлашишга тайёр.

Мактабларнинг моддий-техник база­сини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг билим, қўникма ва малакасини ошириш­га қаратилган замонавий тизимни яра­тиш олдими­зда турган долзарб вази­фа­лардан бири. Таълим муассасаларида ўқувчиларимизга нақшинок деворлар, замонавий лабораториялар эмас, бал­ки ўқитувчилар билим беради. Шундай экан, педагогларнинг касбий маҳорати­ни узлуksиз ошириб боришга қаратилган тизим бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар­ни ривожлантириш агентлиги ҳам бу йўналишда қатор амалий ишларни ба­жармоқда. Жумладан, Президент мак­таб­ларига жалб қилинган хорижлик ўқи­тувчилар маҳаллий мактабларга бориб, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан таж­риба ва методларини ўртоқлашмоқда. Бу эса маҳаллий педагогларнинг мала­касини оширишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда биз хорижлик ҳамкор ташкилотлар билан

бирга маҳаллий мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган тад­бирлар ташкил этишни режалаштир­ганмиз.

Шу ўринда ўқитувчиларнинг фаолиятини муносиб рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича ҳам ишлар олиб бори­лмоқда. Илғор хориж тажрибалари ўрга­ним­моқда ва унинг асосида янги тизим яратилади. Тизим ўқитувчиларнинг фаол ва юқори натижага эриш­ми­ши, профес­сионал ўсиши учун туртки бўлиши лозим. Бу ҳам педагогларимизнинг ўз устида мунтазам ишлаши учун муҳим омил бўлади.

Мамлакатимизда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломат­лигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Ёшларимизда кўплаб гоёлар ва ижод маҳсуллари бор. Уларни рўёбга чиқариш ҳамда ривожлантириш, махсу­лотларини тарғиб қилиш учун кўмак ва мас­лаҳат керак.

Шу маънода, ёшларнинг стартап лой­иҳаларини қўллаб-қувватлайдиган ва тажрибали менторлар томонидан уларга мас­лаҳат ва кўмак берадиган механизм яратиш зарурати мавжуд.

Агентлик тасарруфидagi мактаблар­нинг аксар ёшлари наср ва назм йўна­лиши бўйича ижод қилади. Олдимизда уларнинг ижод маҳсулини аҳоли ўртаси­да тарғибот қилиш платформасини ҳам ташкил этиш вази­фаси турибди.

Мухтабар айтганда, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшларимиз­нинг ташаббуси ва тақлифларини амалга ошириш вақти келди.



Ёшлар юксалади Ватанда

Ислом АСИЛБЕКОВ,
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети 3-босқич талабаси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимиз тарихи­да илк мартаба ўтказилган Ўзбекистон ёшлари руҳлантирди ва катта ўмид бағиш­лади. Давлатимиз раҳбарининг мамла­ка­тимиз ёшларига йўллаган табриғи, жонли мулоқотининг ўзиёқ барчамизни қаттиқ ҳая­жонга солди. Биз ёшларнинг таълими оли­ши, касб-ҳунар эгаллаши, чет эллардаги нуфузли олий ўқув юр­тларида ўқиш учун кенг имкониятлар яратилаётганини тинглаб ўзимизга бўлган ишонч, Ватанимизга, халқи­ми­зга бўлган ҳурматимиз юз чандон ошди.

Давлатимиз раҳбарининг келажак авлод учун бу қадар юксак эътибори, баён этган ислохотлар режалари биз ёшларнинг чуқур билим олишимиз, малакали мутахассис бўлиб етишишга бўлган интилишимизга катта куч берди, эртанги кунга ишончимиз­ни янада юксалтирди.

Президентимиз ўз нутқида биз, ёшларга Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси, деб юксак баҳо берди. Юртимиз­да амалга оширилаётган ҳар бир ислохот­ни бошлашда, аввало, ёшларнинг куч-ғай­рати ва азму шижоатига таянилаётгани навқирон авлод вакилларига бўлган эъти­

бор ва ишончдан далолатдир. Табиийки, бундай эътироф ҳар бир тенгдошимизни ниҳоятда руҳлантирди. Бунга жавобан, юртимизда яшаётган ҳар бир ёшнинг юра­ги Ватан дея ёниши, юрт учун камарбаста бўлиши лозим.

Утган йил барча тенгдошларим қато­ри мен учун ҳам синови, ҳам ютуқларга бой бўлди. Жумладан, Ҳиндистонда чоп этилган “Замонавий ўзбек ҳикоялари” (Contemporary Uzbek Short Stories) халқа­ро наср антология тўпламидан бешта ҳи­коям ўрин олган бўлса, бир мuddат ўтиб мазкур давлатнинг адабиёт йўналишидаги “SAHITYA SHREE” номидаги нуфузли ада­бий мукофот ва унинг махсус сертификатига сазовор бўлдим.

Шунингдек, “Жаҳон истеъдодлари” уюш­маси (Қозоғистон) томонидан ўтказилган “Олис болаликка саёҳат” халқаро-онлайн танловнинг 1-мавсумида “Энг яхши ҳикоя” номинацияси ғолиби ҳамда махсус диплом билан тақдирландим. 2020 йил 18 август­да Қозоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган “Жаҳон истеъдодлари” уюш­маси аъзолигига ҳамда 2020 йил 30 сентябрда Қирғизистон Республикасида фаолият олиб бораётган қирғиз шоир-ёзув­чилари жамоат фонди аъзолигига қабул қи­линишим ҳам жуда қувонтирди, янги ижо­дий ишларга ундади.

Уйлайманки, эришаётган бундай ютуқларимиз, эгаллаётган марраларимиз

юртимизда бугун ёшларнинг келажагини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар мевасидир.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг форумда сўзлаган нутқидаги қуйидаги сўзларни алоҳида қайд этмоқчиман: “Буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмийнинг: “Сўз — гул, иш — мева”, деган ҳикмати сўзла­ри бор. Уйлайманки, бугун белгилаб ола­диган режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самара беради”.

Ҳақ гап. Ўз олдида аниқ мақсад қўйиб, улуг манзиллар сари интилган инсон, албатта, муроди­га етажак. Бунга тарих­да номлари мангуликка муҳрланган улуг аждодларимизнинг ёрқин ҳаёт йўли, ижо­дий бой мероси яққол мисолдир. Бугун юртимизда яратиб берилаётган имкони­ятлардан оқилона фойдаланиб, аждод­ларимизга муносиб ворис бўлиш, улар қолдириб кетган маънавий меросни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримизнинг асосий вазифамизга айланмоғи керак. Шу билан бирга, кундан-кунда янгиланаётган замон билан ҳамқадам бўлиш, илм-фан ва юксак техно­логияларни мукаммал эгаллаб, ундан юртимизнинг тарақиёти йўлида оқилона фойдаланишни юксак мақсад деб биламиз. Биз бундай имконият ва шароитларни қа­дрлашимиз, шунга яраша фидойи бўлмоғи­миз лозим.

8 январь — Прокуратура органлари ходимлари куни

ЖАМИЯТДА ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗДИР

Бошланиши 1-бетда

Мазкур йил бошидан коронавирус пандемияси туфайли юзага келган салбий оқибатларни юмшатиш, фуқароларимизнинг саломатлигини асраш, хавф-хатарнинг таъсирини имкон қадар камайтириш борасида амалга оширилган улкан ишларда прокуратура органларининг ҳам ўзига хос ўрни ва муносиб ҳиссаси бор.

Утган йилда прокуратура фаолиятини ташкил этишда асосий эътибор пандемия шароитида аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини сақлашга доир қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилди.

Мураккаб шароитда прокурорлар секторларидаги 150 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилага 9,4 миллиард сўмлик озиқ-овқат ва дори-дармон, 13,6 миллиард сўмлик чорва, 7,7 миллиард сўм пул маблағлари тарқатилди. Шунингдек, 1 минг 800 дан зиёд оиланинг 290,6 миллион сўмлик коммунал қарздорлиги қўллаб берилди, 18,9 миллиард сўмлик бошқа ёрдамлар кўрсатилди ҳамда эҳтиёжманд оилаларнинг қарийб 159 минг нафар аъзоси ишга жойлаштирилди.

Прокуратура органлари томонидан пандемия туфайли оғир аҳволга тушиб қолган 5 мингдан орტიқ муҳтож оила оталиққа олиниб, ходимларимиз уларга ўз иш ҳақларидан 5 млрдрд сўм пул маблағ ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатди.

“Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига ҳам энг биринчилардан бўлиб, қарийб 6 млрдрд сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Халқ билан доимий мулоқот, одамларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, уларни рози қилиш прокурорлар фаолиятининг асосий вазифасига айланган.

Бу борада жойларда, айниқса, чекка ва опис қишлоқларда ташкил этилган сайёр қабулларда 52 мингдан зиёд фуқаронинг муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам берилди, 187 мингга яқин фуқаронинг мувожадатлари бевосита прокуратура органларида ҳал этилди.

Қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти доирасида қарийб 122 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, 29 мингта ноқонуний ҳужжат қонунга мувофиқлаштирилди, судларга 241 миллиард сўм зарарни ундириш ҳақида 8 минг 200 дан зиёд ариза киритилди.

Бозорлар ва савдо расталарида нарх-наво барқарорлиги сақланиши, маҳсулотларни истеъмолчига арзон нархларда “даладан — дастурхон-



га” тизими асосида етказилишида ҳам прокуратура ходимларининг ҳиссаси катта.

Хусусан, пандемия даврида нархларни асоссиз оширишининг олдини олишга қаратилган тadbирларда 2 минг 595 та ҳолатда 6,4 миллиард сўмлик маҳсулотни қиммат сотиш ҳолатлари аниқланиб тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, дори воситалари ва тиббийёт буюмларининг ноқонуний савдоси билан bogʻлиқ 204 та ҳолат аниқланиб, 67 та жиноят иши кўзгатилди, 5,8 миллиард сўмлик ва 30 минг 428 АҚШ доллари миқдоридаги сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситалари савдога чиқарилишининг олди олindi.

Тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, мамлакатда қўлай бизнес муҳитини яратиш мақсадида 21 мингдан ортиқ тadbиркор ва инвесторларга кредит, ер майдони, бино ажратилишида, коммуникация тармоқларига уланишида, лицензия ва рухсатномалар берилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада қарийб 12,5 мингта янги тadbиркорлик субъекти ташкил этилди, 18 мингдан зиёд корхона ўз фаолиятини тиклаб, 45 минг 380 та янги иш ўрни яратилди.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган қишлоқ ҳўжалигида қонунийлик билан bogʻлиқ масалалар тизимнинг доимий диққат марказидадир.

Бу борада Президентимизнинг 2020 йил 18

мартдаги қарори билан соҳага масъул прокурор ўринбосарлари лавозими жорий этилгани ҳамда 145 та штат бирлиги ажратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур йўналишда ўтказилган назорат тadbирлари натижасида ўзбошимчилик билан эгалланган 10 минг гектарга яқин майдоннинг захирасига қайтарилгани, 2 минг 525 гектардаги ноқонуний қурилмалар бартараф этилгани ҳам асосий ютуқларимиздан ҳисобланади.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларга қарши курашиш, тезкор қидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги асосий эътибор жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг туб сабабларини аниқлаш, уларнинг содир этилишига шароит яратган омилларни бартараф этиш, жиноятчилик динамикасига оид кўрсаткичлар ҳаққонийлигини таъминлашга қаратилганлиги натижасида 9 минг 155 та маҳалланинг қарийб 4 минг 494 таси ёки ярмида жиноят қайд этилмади.

Бундан ташқари, жамиятдаги барча муҳим соҳаларда коррупциявий ҳолатлар бўйича чуқур таҳлиллар ўтказилди. Хусусан, 2020 йилда олий таълим, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланиш ва бошқа соҳалардаги коррупцияга қарши кураш самардорлиги билан bogʻлиқ масалалар кенгайтирилган идораларо ра йғилишларда танқидий муҳокама қилинди. Бундай тadbирлар барча Халқ депутатлари вилоят Кенгашларида бўлиб ўтди.

Судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатларини таъминлаш соҳасида асосий эътибор судьялар мустақиллиги тамойилига қатъий риоя этилишини таъминлаш, суд ишларига ноқонуний ва асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, ўзаро тортишув тамойилини амалда қўллаган ҳолда, одил судловнинг амалга оширилишига қўмаклашишга қаратилди.

Барча судларда 101 мингдан зиёд ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки таъминланган бўлса, прокурорлар протестига асосан судларнинг 3 мингдан ортиқ қарорлари қонунга мувофиқлаштирилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ҳам самарали натижаларга эришилди. Хусусан, пандемия шароитида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш мақсадида 252,2 мингта кўча ярмарка ва мобил дўконлар фаолияти йўлга қўйилиши, 234 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилиши таъминланди.

Нархларни кунлик мониторинг қилиш тизими асосида нархи ошиши эҳтимоли юқори бўлган маҳсулот тури ҳудудлар кесимида олдиндан прогноз қилиниб, маҳсулотлар арзон бўлган ҳудудлардан нарх ошган ҳудудларга интервенция қилинди. Аҳолига қўшимча қўлайлик яратиш мақсадида республика бўйича 491 та кичик экобозор фойдаланишга топширилди.

Тadbиркорлик билан ноқонуний шуғулланган 6 минг 273 нафар шахс рўйхатдан ўтказилиб, 6,9 минг фуқарога тadbиркорлик фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Иқтисодий жиноятлар, хуфёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилган чоралар натижасида 5 минг 600 дан зиёд ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 2 минг 159 та маъмурий ва 3 минг 530 та жиноят иши кўзгатилди.

Тезкор тadbирлар натижасида 1,6 миллиард сўмлик психотроп дори воситалари ҳамда 5,8 миллиард сўмлик қалбаки дори воситалари ва бошқа тиббий буюмлар ашёвий далил сифатида олindi.

Халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик самарали тарзда амалга оширилиб, 30 га яқин халқаро ҳужжатлар имзоланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан ижро ҳужжатларига асосан ундирилган маблағлар миқдори кейинги йилларда 72 фоизга ошди. Бюро ташкил этилганидан буён 13,3 триллион сўмлик ҳужжатларнинг ижроси таъминланди.

Бугунги кунда ижро ишига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этилиши натижасида ижро ҳаракатлари юзасидан маълумотларни

тезкор, самарали алмашиш ва уларнинг таҳлили асосида мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имкони кенгайди.

Прокуратура органлари фаолияти ошқоралигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийлик аҳволи ҳақида 869 та ахборот киритилди, Кенгашлар ййғилишларида прокурорларнинг 477 маротаба ҳисobotлари эшитилди.

Бош прокуратура Академияси томонидан масофавий таълим тўлиқ йўлга қўйилиб, малака ошириш курсларида 4 минг нафарга яқин ходим ўқитилди.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг янги bosқичи сифатида Академиянинг “ProAcademy” ахборот-таълим портали негизида ходимлари диагностикадан ўтказиш имконини берувчи “Прокуратура органлари ходимлари компетентлигининг ривожланишини комплекс, узлуksиз мониторинг қилиш электрон дастури”дан ўтиш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, Россия Федерацияси Тергов қўмитасининг Москва Академияси, Молиявий мониторинг халқаро ўқув-методик маркази, Халқ университетлари Немис ассоциацияси ва бошқа қатор хорижий муассасалар билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва келишувлар имзоланди.

Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-tadbirlari тўғрисида”ги қарорига кўра, курашнинг юртимизда ва халқаро миқёсда янада оммалаштириш белгиланди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Кураш Федерацияси ва Бош Прокуратура ҳамкорлигида прокуратура ходимлари ўртасида кураш спорт тури бўйича илк маротаба “Прокуратура полвони” республика турнири ўтказилди.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш барчамизнинг энг олий мақсадимиздир.

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими бу борадаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бундан буён ҳам эл-юрт манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилиши шўҳасиздир.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Шукрат ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
доценти

Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар бир мустақил давлат миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратати. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш тизими бу — Ўзбекистон Республикасининг ахилтиликдаги, бир-бирини тўлдирувчи давлат ва жамоат институтларининг мақсадга мувофиқ бўлган ва қатъий ташкилланган мажмуи бўлиб, уларнинг барча фаолияти мамлакатни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мувожаъномасида Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаб, келгусида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилиши, ҳуқуқ-тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоясига айлан-тиришга қаратилган ислохотларимиз ичи-л давом эттирилиши алоҳида қайд этилди.

Маълумки, суверен давлатлар миллий хавфсизлик тизимининг ҳарбий жиҳати ҳам-ма вақт унинг ўзигани ташкил этиб келган. Кейинги йилларда мамлакатимиз миллий хавфсизлигида муҳим бўгинни ташкил қиладиган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига алоҳида эътибор берилаётган-лиги бежиз эмас. Миллий гвардиянинг мил-лий хавфсизлик тизимидagi ўрни муҳим. Миллий гвардия, унинг мазмун ва моҳияти

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИМИЗДА ЮКСАК ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ МУЖАССАМ

мамлакатимиз Президенти томонидан 2018 йил 10 январда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибда ўтказилган маж-лисидagi нутқида аниқ белгилаб берилди: “...Маълумки, бугунги кунда биз “Хавфсиз шаҳар — хавфсиз мамлакат” концепция-си асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни Миллий гвардия ташкил этилди. Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жа-вобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат таш-килотлари билан яқин ҳамкорликда фаоли-ят олиб боради”.

Шу ўринда, шаклланаётган Миллий гвар-диямизнинг мамлакат миллий хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашдаги фаоли-яти самарадорлиги узок ва яқин хориждаги мамлакатларнинг ушбу жабҳадаги тажриба-сини ўрганишга маълум даражада bogʻлиқ.

Ҳозирги вақтда минтақа ва дунёда ҳукм сураётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мура-ккаб шароитда мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий ахилтилигини таъминлаш, жами-ятда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкам-лаш давлат сисёати даражасидagi долзарб масалага айланди.

Бугунги глобаллашув замонида жамоат ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ин-сон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқари-ш, аҳолини турли хатарлардан, жиноий ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мил-лий гвардия қисқа вақт ичида мамлакат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизим-идаги муҳим бўгинга айланди, шунингдек, бу йўналишдаги ислохотлар ичили давом этмоқда.

2020 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Респу-бликаси “Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши соҳага доир масалаларнинг комплекс равишда қамраб олинганлиги, хизмат фаолиятида амалга оширилмадиган аниқ вазифалар белгилаб берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қонун билан Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинлари-нинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим ва-зифаларга эга бўлган махсус тури эканлиги ҳуқуқий тартибга солинди. Қонун халқаро стандартларга ҳар томонлама мос келиши, ишлаб чиқилиш жараёнида ривожланган давлатларнинг қонунлари синчилаб ўрга-ниланлиги билан ажралиб туради.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ўзбеки-стон Республикаси ҳудудий ахилтилиги ва давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, фука-роларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинлик-ларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилди.

Жамият ва давлатнинг ҳар бир қатлами хавфсизлигини таъминлаш устувор вази-фаси ҳисобланади. Бугунги кунда “Хавфсиз шаҳар — хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъ-минлашга қаратилган муҳим ишлар амал-га оширилмоқда. Мазкур концепциянинг муҳим бўгини сифатида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлардан холи “Хавфсиз маҳал-ла” концепциясини фаол амалга ошириш орқали аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Миллий гвардия ўз фаолияти давомида мамлакатнинг ҳудудий ахилтилиги ва мудо-фасини таъминлашдек масъулиятли вазифа-ни бажарар экан, мазкур тизимда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи ва ходимлар ҳам юксак ватанпарварлик ва инсонпар-варлик хусусиятларига эга бўлишлари ло-зим. Бу борада ҳарбий хизматчилар онига “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” гоёсини тобора чуқур сингдириш, улар ўртасида маънавий-маърифий ишлар-ни янада жадаллаштириш талаб этилади. Зеро, Қуролли Кучларимиз сафарида хиз-мат қилаётган барча ҳарбий хизматчилар — мард ва жасур Ватан ҳимоячилари экан-лигини чуқур ҳис этган ҳолда, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ислохотларида иштирок этиш билан бирга маънавий-маърифий ишларда ҳам намуна кўрсатишлари даркор. Шундагина аҳоли тинчлиги ва хавфсизлиги ишончли қўлларда эканлигини мамлакат-нинг ҳар фуқароси ва юртимиз меҳмонлари теран ҳис қилишга замин яратилади. Ал-батта, бунинг учун Миллий гвардия тизими-га юқори билим ва тажрибага эга кадрлар тайёрлаётган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий-техник институтининг ўрни ва аха-мияти каттадир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-зирлиги тасарруфидagi Ҳарбий-техник ин-ститути — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибига ўтказилди. Институтида фаолият олиб бораётган тажрибали про-фессор-ўқитувчилар зиммасига юқори ҳар-бий билимларга эга кадрлар тайёрлаш бўй-ича қатор вазифалар қўйилди.

Олий таълим даргоҳида бугун Махсус вазифаларни бажариш қўшинларининг та-ктик қўмондонлиги, Қўшинлар махсус қисм-

ларнинг тактик қўмондонлиги, Хизмат фао-лиятини психологик таъминлаш, Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларини ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича қўмондонлик муҳандислиги, Ишлаб чиқаришни ташкил-лаштириш ва бошқаришни қўмондонлик муҳандислиги бўйича юқори ҳарбий би-лимга эга кадрлар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ҳукумат қарори қабул қилиниб, институ-т ўқув моддий-техник базаси ва инфраструк-турасини ривожлантириш бўйича комплекс дастур қабул қилинди. Мазкур дастурдан ўрин олган Ситуацион марказ биносининг барпо этилиши бошқа олий ўқув юртли-ри, хусусан ҳарбий таълим муассасалари би-лан видеоконференцалоқа орқали bogʻла-ниш, хорижий мутахассисларнинг маҳорат дарсларини масофадан туриб олишга им-кон беради. Ундан ташқари, Миллий гвар-дия тизимидagi мактаблардаги синфлар, лицейларда ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштириш ва унга са-марали таъсир кўрсатиш, масофавий таъ-лимни ривожлантиришга шароит яратди. Шунингдек, реал шароитларга яқин бўлган жанговар вазиятларни юзага келтириб, кур-сантларнинг жанговар маҳоратини ошириш-га имкон беради.

Қисқа давр ичида бу ерда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жўмладан, хо-зирги замон талабларига мос келадиган олий таълимнинг давлат таълим стандарти, мутахассисликлар учун малака талаблари, ўқув режалар, фанлар бўйича ўқув дастур-лар тайёрланиб, ўрнатилган тартибда тас-диқланди. Дарс жараёнида янги фанлар киритилиб, мутахассислик фанлари бўйича соатлар оширилди. Буюк саркардаларимиз-нинг ҳарбий санъатини янада кенг ўрганиш мақсадида гуманитар ва ижтимоий-иқтисо-дий фанлар блокларининг фоизлари оши-рилди. Бир қатор хорижий тиллар чуқур ўргатилимоқда.

Албатта, Миллий гвардия ҳарбий хиз-матчиси жисмонан бакуват, руҳан чиниққан бўлиши керак. Шунинг учун жисмоний тай-ёргарлик машғулотларига катта эътибор берилиши натижасида институт курсантла-ри Озарбайжон Республикасида ўтказилган халқаро мусобақада иккита олтин, тўртта бронза медалларини қўлга киритди. Шу-нингдек, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темирнинг ҳарбий санъати, Мирзо Ўлугбек, Бобурнинг ҳарбий маҳорати бўйича тари-хий-илмий оммабоп асар яратилди.

Бир сўз билан айтганда, Ҳарбий-техник институтида амалга оширилмаётган ишлар ва яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳарбий-ватанпарвар, билимли, садоқатли, фидойи кадрлар етиштириб беришга қара-тилган.



“САОДАТ”ДА ВАТАНЛИ БЎЛИШ САОДАТИ

Бошланиши 1-бетда

Чирчиқ шаҳрининг Саодат кўчаси-да қад ростлаган замонавий ва кўркам уйларга кунчи кеча бир гуруҳ юртдо-шларимиз — Ватанимиз ва халқимиз осойишталиги учун тунини кунга, кунни тунга улаб, ҳалол хизмат қилаётган ҳар-бийлар оиласи кўчиб ўтди. Меҳнатлари эвазига ҳукуматимиз томонидан муно-си рабатлантирилган, байрам арафа-сида совгага уй олган ҳарбийлар уйда байрам бугундан бошланди.

Ҳарбий оркестр ва миллий ансамбль жамоаларининг мусиқа садолари ости-да оилалар янги уйлар ҳовлисида ҳам бўлди. Тошкент ҳарбий округи қўшинла-ри қўмондони полковник Зокир Сайфиди-нов ва шаҳар ҳокимлиги масъуллари янги уй эгаларига қалитларни топшир-ди. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун китоблар жамланмаса ҳам тўхфа этил-ди. Айни киш чилласи, қор элаб турга-нига қарамай ҳовлидаги болалар май-дончаси бир зумда кичкинтойларнинг қувончи, бахтиёр қўйқирқилари билан тўлди. Айни лаҳзаларда янги хонадон эгаларининг қувончига шерик бўлишни истаиди одам.

— Саккиз йилдан буён Чирчиқ шаҳрида яшаб, шу ерда хизматни ўтаб келяпман, — дейди Чирчиқ олий танб ёргарлик машғулотларига катта эътибор берилиши натижасида институт курсантла-ри Озарбайжон Республикасида ўтказилган халқаро мусобақада иккита олтин, тўртта бронза медалларини қўлга киритди. Шу-нингдек, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темирнинг ҳарбий санъати, Мирзо Ўлугбек, Бобурнинг ҳарбий маҳорати бўйича тари-хий-илмий оммабоп асар яратилди.

Бир сўз билан айтганда, Ҳарбий-техник институтида амалга оширилмаётган ишлар ва яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳарбий-ватанпарвар, билимли, садоқатли, фидойи кадрлар етиштириб беришга қара-тилган.

ҳаловатини бузмайлик, дейди. Уй ка-литини олган ота-онам кўз олдимга кел-ди. Бизни дуо қилиб, тарбиялаб элга қўшгани учун ота-онамга ҳукуматимиз томонидан ажойиб тўхфа бўлди, деб хурсанд бўлдим. Президентимиз, Олий Бош Қўмондонимиз Шавкат Мирзиёев-нинг бизга билдирган ишончи ва қўл-лаб-қувватлаши руҳимизни кўтарди. Бу эндиликда уй ташвишини қилмай хизматга астойдил камарбаста бўли-шимизга имкон беради.

— Турмуш ўртоғим Ҳаво ҳужумида мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳар-бий қисмда ишлайди, — дейди Сурайё Тўйчибоева. — Жиззах вилоятида хиз-мат вазифасини ўтаётган йиллари тани-шиб, турмуш қурдик. Мана, ўн бир йил-дирки, бир-биримизнинг қўмондонини ҳам, ташвишимизни ҳам бегона қилмай икки қизни тарбиялаб келяпмиз. Бугун умримнинг энг гузал ва ҳамма ҳавас қи-лишни истайдиган куним, десам мубо-лагага йўйман. Боси, биз ўтган йилла-ригииз давомида уйдан-уйга кўчавериб, сарсон су саргардонлик ташвиши билан яшадик. Айтсам кўпчилик ишонмайди, бироқ 17 та ижара уйда “меъзон” бўл-ди. Шу уй туфайли биз энди сарсон-ликдан қутулдик.

Бу каби қувонч Саодат кўчасидаги 6 та уйдан ўрин олган 180 хонадон-да ўзига хос, турли қўринишда бўй кўрсатмоқда. Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг уй-жой шаро



Акселераторлар орзулар рўёбига етаклайди

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг “Ўз тажрибам-дан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маспахатим шу: Илмни қадрлаг, илмга интилин! Бир сония вақтингиз ҳам бе-кор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бе-баҳо даври. Илм ва билим — ўтда ён-майдиған, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” деган ёниқ сўз-лари мамлакатдаги ёшу қарини илҳом-лантирди. Айниқса, 2021 йилнинг юрти-мизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган эртаими эгаларининг салоҳиятини намоён этиш борасидаги саяё-ҳаракатларига янгича куч бағишлаши, шубҳасиз.

Янгиланаётган дунёда турли-ту-ман соҳаларнинг илм-фан билан бог-лиқлиги янги босқичга чиқмоқда. Шу билан бирга, иш фаолияти ва бизнес юритиш тизимлари ҳам ўзгармоқда. Дунёда янги фанлар пайдо бўлди. Улар мамлакатимиз ҳаётига ҳам кириб кела бошлади. Кишилараро муносабат ва бизнесда янги қонуниятлар пайдо бўлди. Шунингдек, муваффақиятли иш юритиш ва илгорлардан бўлиш учун бир эмас, бир қанча фанларни эгал-лаш зарурати юзага келди.

Ўтган йили ёшлар ўртасида энг яхши илмий ишланмалар учун умумий қий-мати 30 миллиард сўмдан ортқк бўлган “Ёш олимлар” инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинган эди. Мазкур танлов ўзининг ижобий томонларини намоён қилгани учун бу йил вазириги-мизга бошқа давлат органлари билан бирга ўқувчи ва талабалар ўртасида “Бўлажак олим” танловини ташкил қи-лиш ва ёшларнинг энг яхши инно-вацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблаг йўналтириш бў-йича топшириқ берилди. Оила, макта-бгача таълим, мактаб ва олий таълим-ни ҳамда илмий-маданый дароҳлар бўлғуси Ренессансинг энг муҳим бўғинлари эканига эътибор қаратил-са, Президентимизнинг ушбу такли-фи мазкур бўғинларнинг жуда муҳим қатламини — мактаб ва олий таълим тизимидаги иқтидорли ёшларни қў-ллаб-қувватлашга қаратилган. Ўзбекис-тонда амалга оширилаётган улкан ва кенг қўламли янгиланиш жараёнида ёшларга яратиб берилаётган яна бир қулайликка — ёшлар лойиҳаларининг шакллантирилиши, экспертизаси ва жорий қилинишидаги осонлаштирил-ган усулга тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни ёшларимизни аввал ўқитамиз, кўнйкма ҳосил қиламиз, иш жойи билан таъмин-лаймиз, маблагини берамиз. Шу тариқа раванқ топиши учун керакли бўлган барча имкониятларни тақдим қиламиз.

Яқиндан буён қўллана бошлаган “акселератор” сўзи стартапларни қў-ллаб-қувватловчи ижтимоий институ-тларни аналтади. Президентимизнинг ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувват-лаш, ёшлар технопарклари ташкил қилиш кўламини кенгайтириш, ёшлар муружати платформасини яратиш каби таклифлари айнан акселерация-нинг мамлакат миқёсидаги замонавий, долзарб ечимларини ўзида муҳассам этди.

Акселераторлар — ҳўжалик юритиш объектларининг капиталда иштирок

бўйича билим беради. Кичик тадбир-корлик фаолиятини амалга оширишда венчур фондларини жалб қилиш бўй-ча ҳам амалий ёрдам кўрсатади. Ўқув курсларини тамомлаган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун инвесторларни жалб қилишга кўмаклашилади, уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланади.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 22 майдаги қарорига биноан юр-тимизнинг ҳар бир ҳудудда босқич-ма-босқич Ёшлар технопарклари ташкил этилиши белгиланган. Техно-паркларда фаолият юритувчи иқтидор-ли ёшлар жамоасини шакллантириш мақсадида “TechnoBus” технологик мо-биль таълим платформаси ишга туши-рилди. Ушбу кўчма таълим платформа-си орқали, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги ёшлар робототехника ва электроника, 3Д прототиплашти-риш, дастурлаш, VR/AR ва бошқа ин-терактив йўналишлар таништирилмоқда. Шу кўнға қадар “TechnoBus” технологик мобиль таълим платформаси юр-тимизнинг бир неча чекка ҳудудига бў-либ, қизиқувчи ёшларни йиғиш ва улар ҳаётига технологияларнинг кириб бо-ришига эришди.

Ўқувчи-талабалар, тадқиқотчи-лар, умуман, илмга чанқоқ иқтидорли ёшларнинг инновация, стартап, тех-нология, дастурлаш бўйича билимини ошириш, шунингдек, лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда тижорийлаштириш кўнйк-маларини шакллантириш мақсадида TechnoWays технологик ривожланиш марафони ташкил этилди. Мазкур ма-рафоннинг биринчи мавсуми Тошкент шаҳрида ўтказилган бўлса, иккинчи мав-суми Сирдарё, Андижон ва Самарқанд



Ўқувчи-талабалар, тадқиқотчилар, умуман, илмга чанқоқ иқтидорли ёшларнинг инновация, стартап, технология, дастурлаш бўйича билимини ошириш, шунингдек, лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда тижорийлаштириш кўнйкмаларини шакллантириш мақсадида TechnoWays технологик ривожланиш марафони ташкил этилди. Мазкур марафоннинг биринчи мавсуми Тошкент шаҳрида ўтказилган бўлса, иккинчи мавсуми Сирдарё, Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги ёшларни қамраб олиб, фавқуллодда иқтидорлиларни рўёбга чиқаришга хизмат қилди. марафоннинг учинчи босқичини қорақалпоғистонда ўтказишни режалаштирдиқ.

Китобхонлик

Шавкат ЮСУПОВ, Фафур Ғулом номидаги НМИУ директори

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ги қарори жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналар бардавом бўлиши, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ҳамда дунёқараш юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, муталаага богланган кўнгил китобдан беҳад улўғ маънавий озўқа олади.

Бугунги кунда китобхонлик, ношир-лик соҳаси мутлақо янги босқичга кўта-рилди. Интернет орқали китобхонлар нафақат ўз юрти, балки бутун дунёдаги китоб ва китобхонлик ҳақида янги маъ-лумотларга эга бўлмоқда. Эндиликда

китобхонлар кўнглини қайта наshrлар билан забт этиб бўлмайди. Ноширлик соҳасида катта ўзгариш ва янгиликлар қилиш заруратини замоннинг ўзи кўрс-атиб турибди. Нашриётимиз томонидан жорий

йилда 400 га яқин номдаги бадий ада-биётлар нашр этиш режалаштирилган бўлса, шунинг ярмидан ортигини мут-лақо янги, ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган асарлар ташкил этди. Из-ланишлар натижасида ноширлик соҳа-сида юртимизда биринчи бор болалар учун “Алдар кўса ва бой” ҳамда “Икки дўст: Навоий ва Ҳусайн” номли тинглаб ўқиладиган инновацион китоб яратил-ди. “21 аср: муҳаббат ҳақида 21 ҳикоя” номли яна бир инновацион китобимиз овозли матчда нашр этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Ға-фур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 20 номда бола-лар адабиёти, 30 номда бадий адаби-ётлар, 25 номда диний-маърифий ада-биётлар нашр этилди. Шунингдек, жаҳон адабиётининг сара намуналаридан бўлган Ясунари Кавабатанинг “Оқ гуллар”, Петрарка-нинг “Кўшиқлар”, Хулио Кортасарнинг

“Биз Глендани шундай яхши кўрамыз”, Пауло Козленинг “Портобелло жодуга-ри”, “Иблис ва Примхоним” асарлари, Артур Конан Дойлнинг “Баскервиллар ити” каби энг сара ҳикоялари тўплами илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилди. Яқинда нашрдан чиққан “Пандоранинг қутиси” ва “Митти ҳикоя-лар” номли, адабиётдаги янги йўналиш бўлимиш қисқа ҳикоялар (драбллар) дан иборат бўлган китоблар ҳам шуплар жумласидан.

Ҳазрат Навоий (10 томликдан ташқари) “Хамса”сининг ҳар бир досто-ни алоҳида ҳолда, аслиятда шарҳ ва изоҳлар билан чоп этилди. Имом Бухо-рий илмий-тадқиқот маркази билан бир-галикда Имом Бухорий ҳаёти ва илмий мероси билан боглиқ 16 та номдаги ил-мий-диний китоб, Президентимиз илга-ри сурган 5 ташаббус доирасидаги “Беш ташаббус — беш китоб” ва “Тараққуёт стратегияси ва замонавий қаҳрамони”

(4 китобдан иборат) турқуми остидаги китоблар, ёш ижодкорларни қўллаб-қув-ратлаш мақсадида “Асримиз умидлари” турқумида 10 нафар ёш ижодкорнинг асарлари, “Нашириётимиз хазинасидадан” руқни остида ўзбек ва жаҳон адабиёти-нинг дурдона асарларидан иборат 7 на-фар адабнинг сара асарлари босмадан чиқди.

Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкор-лида “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” номли 100 жилдлик мажмуани 2015–2025 йиллар оралиғида тўлиқ нашрдан чиқариш белгиланган. Ушбу нашрининг 59 жилди дostonлар, 10 жилди халқ қўшиқлари, 12 жилди эртақлар, қолган жилдлар эса терма, афсона, ривоят, нақл, мақол, топишмоқ, аския, лоф, ла-тифа, озғакча драма, болалар фолькло-ри ва бошқа жанрларни ўз ичига олади.

Айни вақтда мазкур 100 жилдлик-нинг 18 жилди чоп этилган бўлса, 19-20-жилдлари босилиш жараёнида, 21–35-жилдлар нашриётта тақдим этил-ди, 21–32-жилдлари тахрирдан чиққан. Фанлар академияси Ўзбек тили, адаби-ёти ва фольклори институти олимлари ижодий гуруҳи томонидан 35–50 жилд-лар устида иш олиб борилмоқда.

Ғафур Ғулом номидаги НМИУ жамоаси китобхонлик маданияти-ни ривожлантириш ва мамлака-тимиздаги етакчи адабий-бадий, ижтимоий-маърифий даврий босма нашрларда миллий мумтоз ҳамда за-монавий адабиётимиз намуналарини кенг тарғиб қилиш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Келгусида Жалолиддин Румий-нинг 6 жилдлик “Маънавий масна-вий” (таржимон Одил Икром) асари изоҳлари билан, Одил Ёқубовнинг “Танланган асарлари” 30 жилдлик

ҳақида қандай йўл билан бўлмасин яхши ва сифатли китоблар етказиб беришидир. Шу боси, миллиятимизнинг китобхонлик даражаси ортиши йўлида тинимсиз из-ланишдами.

Тил – миллий ғуруримиз

Ўзлигимиз акс этган чашма

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нуткида шундай таъкидлаб ўтди: “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”. Ушбу бебаҳо маънавий бойлигимизни асраб-авайлаш ва кадрлаш борасида кейинги йилларда жуда катта ишлар олиб борилди. Тошкент шаҳар ва туманларида ҳам бу борада эътиборга молик тадбирлар ўтказилиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рия этилиши жараёнида мавжуд бўлган муаммолар ечимини топишда самарали натижаларга эришилди.



Акмал РЎЗИТОВЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси

Мана 2021 йил ҳам кириб келди. Замон қандай эврилмасин, қандай синовлар бўлмасин, ҳар қандай шароитда ҳам тил, маънавийт масалалари давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлади. Сунги йилларда мамлака-тимизда, ўзбек тилининг давлат тили сифати-даги нуфузи ва маъқени ошириш, мустаҳкам-лаш юзасидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаме-нти томонидан жами 14 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан: 1 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 1 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳқа-масининг 10 та қарори тайёрланди ва ҳаётга татбиқ этилди. Абдулла Авлоний бобомизнинг “Миллий тилни йўқотмак — миллиятнинг руҳини йўқотмақдир” таъбири билан қаралса, бу ко-нун, қарор ва фармонларнинг аҳамияти мил-латимиз раванқи учун қанчалик ҳаёт ва мамот масаласи эканлиги аён бўлади. Албатта, аниқ қўзланган режаларимизни давлатимиз раҳба-ри томонидан қабул қилинган Фармон ва қа-рорлар асосида амалга ошириб борамиз.

Қилинган ишлар ҳақида гапирсам, кўнглим тўлганидан, тўлмаган жиҳатлари кўпроқ, де-сам хато эмас. Аслида миллий тил учун фақат мутасаддилар эмас, миллиятнинг ҳар бир ва-кили масъул бўлиши керак. Ериқларни ўзбекчалаштирайлик, рекла-ма баннерлари давлат тилида бўлсин, деган ҳаракатлар йиқилаётган деворни ямаб-суваб қўйгандай гап. Демакки, биз масаланинг юза-сида юрибмиз. Айниқса, зиёли қатлам бу саф-нинг пешқадами бўлиши зарур ва шарт. Яъни, миллий рух она сунтидек инсоннинг қон-қонига сингиб кетиши керак.

Сунги йилларда қуртдошларимиз қалбида, онгида она тилимизга муносабат кескин ўз-гарди. Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг, “Йўл қиодасини бузган ҳайдовнига миллия ҳоди-ми хуштак чалади. Тилимиз қиодасини бузган кишига эса нега ҳеч ким хуштак чалмайди”, деган гапи бугун беихтиёр ҳаёлимдан тез-тез ўтпти. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депута-ти, забардаст ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад таъкидлаган ушбу фикрларни келтиришмоқчи-миз: “Давлат тили ҳақида ҳар кунги гапириш керак, ҳар хил гапириш керак, ҳамма гапириши керак!” Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ижтимоий тармоқларда давлат тили мутасаддиларига қарата айтилган танқидий фикрлар кейинги пайтларда анчагина “фаоллашди”. Қай йўсин-да бўлмасин, мулоҳазалар, турфа фикрлар айтилаётгани шахсан мени қувонтиради. Ҳа, кенг жамоатчилик томонидан билдрилган фикрлар хоҳ ижобий ва хоҳ салбий бўлсин, минглаб қуртдошларимизни ўзбек миллия-тининг жону руҳи бўлган тилимиз ҳақида қай-ғуришга, фикр юритишга, тортишишга, ҳатто жон қуйдиришга чорлагани билан қувонари-дир. Бу каби муҳокамалар, давлат тили мақо-мида бўлган она тилимизга муносабатимизни

намоён қилади, таъбир жоиз бўлса элакдан ўтказади.

Чунки она тили — умуммиллат хазинаси экан, демак тил олдидаги масъулият, жавоб-гарлик ҳам умуммиллийдир. Тийнатида мил-лий ғурури, ўзлик виқори бор, мен ўзбекман деган ҳар бир инсон ўзбек тилини шак-шубҳа-сиз севиши, у учун қайғуриши, зарур бўлса жонини фидо қилиши керак. Бинобарин, бу масала фақат зиёлиларнинг ёки тилшунос-ларнинг иши эмас, шу миллат шу ватанга дахлдор барчамизнинг дарду қувончимиз бў-лиши шарт ва муҳим.

Давлат тили ҳақида чиқарилган ҳар бир ко-нун бу йўлда бизнинг мададкоримиз, сарбони-миздир. Шунингдек, чекка-чекка кишлоқларда яшаётган кекса отахон онахонларимиздан тилимизга оид унутилиб бораётган сўзларни ёзиб олишимиз, уларни истеъмолда қўллаш чораларини кўришимиз лозим. Бу масалани ҳар биримиз бутун бир миллатнинг иши деб қарашимиз, унутилган сўзларни тиклашга ҳисса қўишимиз, борини бойитиб боришда фаол иштирок этишимиз даркор. Халқимиз ўз тақдирига лоқайд, миллий қиёфасига бефарқ миллат бўлиб қолмасин.

Ривожланган давлатларнинг аксариятини кузатадиган бўлсак, давлат тили ҳақидаги қонунлари нисбатан кескинроқ талаблар асо-сида ишлаб чиқилган бўлиб, Россия, Герма-ния, Франция, Грузия, Озарбайжон, Туркия ва бошқа мамлакатларда давлат органлари ва расмий ҳужжатларда белгиланган давлат тилида мажбурий қўлдаланилади. Қонун та-лабларига амал қилмаганлик учун турли миқ-дорда жарима белгиланган.

Шундай экан, барчамиз юртимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва маъқени ошириш бўйича олиб борилаётган ниҳоятда адолатли ва ўз ўрнида қабул қили-наётган муҳим фармон ва қарорларни қў-ллаб-қувватлашимиз, она тилимизнинг қадр топилиши интилаётган барча зиёлиларга кў-макчи бўлишимиз зарур. Хусусан, мамлака-тимизда она тилимиз раванқига берилаётган эътибор — миллий тикланишдан миллий ко-салиш сари илдам бораётганимиздан дало-латлидир. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир халқнинг тили миллат руҳи, тақдир, келажаги ҳисобланади. Халқнинг, миллиятнинг раванқи, аввало, тили-нинг маъқени билан ўлчангани ва белгиланади. Инсониятга хос эзгу фазилатлар ҳам одам-зот қалбига аввало тил, она алпаси орқали қиради. Шу маънода, она тилимизни асраб-авайлаш, улуглаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тарчи айни жараёндаги муаммолар ҳақида кўп гапирилаётган бўлса-да, амалий нати-жалар жуда камдек. Айниқса, ярим хорижий, ярим ўзбекча сўзлашадиган ёшлар қатлами буй кўрсатаётганидан огоҳ бўлишимиз зарур. Энг аввал богча, мактаб, институт, уни-верситетлар, адабиёт ва санъат миллий ти-лимизнинг локомотивига айланиши зарур. Шунингдек, мамлакатдаги барча мактаб ўқи-тувчилари ва мураббийлар давлат тили нор-маларига мувофиқ сўзлаши ва ёзиши маж-бурий бўлиши керак. Қолаверса, интернет, хусусан ижтимоий тармоқларни давлат ти-лидаги маълумотлар билан тўлдириб бориш жуда муҳим.

Энди кундалик ҳаётимиздаги одагга ай-ланган “окей”, “тренд”, “личка” каби хорижий, ғализ иборалардан ярим, чала русча-ўзбекча сўзлашувлардан соат сайин “қўтилиб” бо-ришимиз лозим. Бугун ўзбек тили тақдир ҳақида фақатгина давлатнинг ўзига эмас, ўзбекман деган ҳар бир инсон қайғуриши, ку-рашиши, она тилини чин дилдан севиши ўта муҳим масаладир. Биз мутасаддиларнинг фидиятимиз асосида ана шундай жонқуяр, фидийи, миллатпарвар босма ҳондошларимиз ёрдамига ҳаммиша эҳтиёжимиз бор.

